# ИНСОН—ПАРТИЯ СИЁСАТИНИНГ МАРКАЗИДА

*Урганч район меҳнат аҳли КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастури лойиҳасини манфаатдорлик ва дахлдорлик туйғуси билан муҳокама қилмоқда*



З. ГУЛЛИЕВА.



Қ. НУНИЁЗОВ.



Ш. АБДУЛЛАЕВА.



Ж. ОТАЖОНОВ.



Р. БОЛТАЕВ.

**ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ, СОЦИАЛИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИНИ РУЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН ЙУЛ ОЧИЛДИ... АВЖ ОЛИБ КЕТГАН ҚАЙТА ҚУРИШ ДОИРАСИДА КУЛАМЛАРИ ВА ЯНГИЛИГИ ЖИҲАТИДАН МИСЛСИЗ, ТЕЗ УЗГАРИШЛАР БУЛМОҚДА. БУ ЭСА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ МУАССАСАЛАРИ ОЛДИГА, БИНОБАРИН КПСС ОЛДИГА ҲАМ ЯНГИ-ЯНГИ ТАЛАБЛАРНИ ҚУЙМОҚДА. АСЛИДА БИЗ ҲОЗИР ШУНДАЙ БИР ПАЙТГА КЕЛДИККИ, БУ ПАЙТДА ПАРТИЯ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ УЗИ ДАВОМИДА ЮЗ БЕРГАН УЗГАРИШЛАРНИ, СУНГГИ ВАҚТДА ВУЖУДГА КЕЛГАН МУАММОЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, УЗ СИЁСАТИНИ ТУЛДИРИШИ ЛОЗИМ.**

(КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль пленуми ҳужжатларидан).

## ДАВР ТАЛАБИГА МОНАНД БЎЛСИН

**Қадам НУНИЁЗОВ,**
**Ўзбекистон Компартияси Урганч район комитетининг иккинчи котиби**

●

КПСС Марказий Комитети 1990 йил февраль пленумида партиядаги аҳвол ўта талабчанлик, синчковлик билан таҳлил қилинди. Пленумда маъқулланган ҳаракат дастури лойиҳасида ҳозирги замон партия сиёсатининг асосий йўналишлари лўнда ва чуқур тарзда баён этиб берилган. Тарихий ҳужжатнинг қимматли томони шундаки, кўпгина коммунистлар уни муҳокама қилиб, ўз қарашларини узил-кесил ойдинлаштиришмоқда.

Ҳозирги шароитда партия ходими бўлиб ишлаш осон мас. Вазият—жиддий. Биз истаймизми-йўқми, лекин партияда мунозара аллақачондан бери давом этаётир. Турли нуқтаи назарлар айтилаётир. Коммунистларнинг аксарияти партия органларини, аппаратни жиддий танқид қилаётган бўлсалар-да, уни тугатишни эмас, балки вазиятни яхшилик томон ўзгартириш фикрини айтишмоқда. Қайта қуриш — зарурат, ундан бошқа йўл йўқ. Лекин бунёдкорлик режаларини амалга оширишда катта янглишишлар, хатоларга йўл қўйилди, деган фикрга қўшиламан. Ҳозир район партия ташкилоти соғлом кучларни бирлаштириб ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Ҳар бир коллективдаги маънавий-психологик муҳит, одамларнинг орзу интилишлари, юзага келаётган ташаббуслар ўрганиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда қайта қуришни амалда ёқлаётган раҳбар кадрлар етишиб чиқди. Отажон Чўпонов уларнинг бири. Райком тажрибали агрономни қолоқлар сафига тушиб қолган Чапаев номли колхоз правлениеси раислигига тавсия этди. Омма таклифни қўллаб-қувватлади. О. Чўпонов биринчи кунданоқ инсон омилига эътиборни кучайтирди. Бошланғич партия ташкилоти нуфузини, коммунистлар раҳнамолигини оширди. Иш ўрнига ваъзхонлик, танқидбозлик билан шуғулланаётган кимсаларга нисбатан муросасиз курашди. Халқ депутатлари билан биргаликда барча йўлларга асфальт ётқизди. Иккита мактаб, иккита боғча қурилди. Хонадонлар зангори оловдан баҳраманд бўлишмоқда.

Правление раиси чорвага ҳам пахтадек эътибор берди. Озуқа базасини мустаҳкамлади. Натижада колхозда ўтган йили давлатга пахта, сут, гўшт ва бошқа неъматлар топшириш юзасидан белгиланган план зиёдаси билан адо этилди. Афсуски, ҳамма ҳам лозим даражада қатъиятлик кўрсатолмаяпти. Калинин номли, «Пахтакор» колхозларининг, 446-кўчма механизациялашган колонна раҳбарлари ва мутахассислари қийинчиликларни дадил бартараф этиша олишмаяпти.

Райком КПСС аъзоларига нисбатан талабчанликни кучайтирган. Ўтган йили бошланғич ташкилот билан алоқасини узган олти партия аъзоси КПСС сафидан чиқарилди. Урганч районида озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига арзигулик ҳисса қўшиш учун яхши тадбирлар амалга оширилмоқда. 1989 йилда деярли барча соҳада кўзланган марра эгалланди. Хўжаликлар экономикаси мустаҳкамланди. Аммо баъзи ғаламислар бошланган яхши ишга путур етказиш, миш-мишлар тарқатишга зўр беришаяпти. Улар ўзларини омма жонкуяри сифатида кўрсатишмоқда. Райком қайта қуриш душманларига қақшатқич зарба бермоқда. Давр имиллашни ёқтирмайди. Ҳар биримиз зўр ҳушёрлик, фидойилик, жонбозлик кўрсатишимиз керак. Шундагина қайта қуриш ғалаба қозониши мумкин!

## ҲОЛВА ДЕГАН БИЛАН ОҒИЗ ЧУЧИМАС

**Шарифа АБДУЛЛАЕВА,**
**Киров номли мактаб ўқитувчиси, цех партия ташкилотининг секретари**

●

КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастури лойиҳасида таълим, маориф ва маданиятнинг барча соҳаларини ривожлантириш, ана шу мақсадга маблағ сарфлашни кўпайтириш, ўқитувчиларнинг обрўсини оширишга алоҳида эътибор берилиши таъкидланган. Яширмайман, режалар қанчалик улуғвор бўлмасин уларни тўласинча рўёбга чиқишига баъзи ҳамкасбларим ишонишмаяпти. Сабаби аниқ. Қайта қуриш нафаси эса бошлаган 1985 йил апрель пленумидан буён қанчадан-қанча тарихий ҳужжатлар қабул қилинди. Аммо улар ижроси кам.

Рус тили ўқитувчисиман. Касбимни севаман. Ўқувчиларга пухта билим, яхши тарбия бериш учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Шароитимизни билсангиз эди. Қачонлардир ҳашар йўли билан қурилган мактаб биноси харобага айланган. Синфхоналар, ўқув қуроллари етишмайди. Спорт зали, ўқитувчилар хонаси йўқ. Тўгараклар ишламайди. Баъзида дарсларни ўтхонада ўтказишга мажбур бўлаяпмиз. Область газетасига ёзган мақоламда бутун дарду ҳасратимизни тўкиб солдим. Шунда ҳам мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратилмади. Мутасадди раҳбарларга учрасак: «Кутинглар» дейишади. Ахир қанча кутиш мумкин? Сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор. Халқ маорифидан маблағни аяётганлар наҳотки катта хатога йўл қўяётганликларини сезишмаса?!

Ўқувчиларга меҳнат тарбияси бериш ҳам кўнгилдагидек эмас. Район бўйича саккизта мактабда устахоналар йўқ. Шаҳардан колхозимизга махсус автобус қатнамайди. Баъзи ўқитувчилар минг азоб билан дарсга етиб келадилар. Шароитнинг ноболлиги, моддий манфаатдорлик таъминланмаётганлиги сабабли эркак ўқитувчилар қўшни мактабларга ёки бошқа соҳаларга ўтиб кетдилар. Бу таълим-тарбия ишининг сусайишига олиб келди.

Қишлоқ кишиларига қўшимча томорқа ажратилаётганлиги муҳим сиёсий воқеадир. Афсуски биз, педагоглар ана шу масалада ҳам тўсиқларга дуч келаяпмиз. Раҳбарларнинг таъкидлашларича, ер олиш учун бригада кенгашига ариза беришимиз лозим. Колхозчилардан ортса илтимосимиз қондирилади. Қизиқ, қонуний ҳақимизни ундириш учун наҳотки турғунлик йилларидаги каби асаббузарлик қилиб, талашиб-тортишиб юрсак...

Коммунист деган ном ёки раҳбарнинг лавозими ҳеч қандай имтиёз бермайди. Ҳаракат дастури лойиҳасида таъкидланганидек, хизмат мавқеини суиистеъмол қилишни таг-томири билан тугатиш лозим.

Цех партия ташкилотининг секретари сифатида мени бир нарса ўйлантириб келади. Табиийки, пенсионерлар партия ишида фаол иштирок этолмайдилар. Баъзида саломатликлари кўтармаганлиги туфайли йиғилишларда қатнашишмайди. Шуларни ҳисобга олиб КПСС Уставига: «КПСС Устави талабларини тўла бажариш имкониятини йўқотган партия аъзолари шахсий аризаларига кўра КПСС-нинг фахрий аъзолигига ўтказилсин, уларнинг баҳоли қудрат ҳаракат қилишларига имконият яратилсин» деган сатрларни киритишни таклиф этаман.

## ҚАЙТА ҚУРИШ ТАҚДИРИ ҲАР БИРИМИЗГА БОҒЛИҚ

**Раҳим БОЛТАЕВ,**
**Охунбобоев номли колхоз правлениеси раиси, Хоразм область партия комитети аъзоси**

●

Хўжалигимиз меҳнат аҳли КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасини манфаатдорлик билан ўқиб ўрганмоқдалар. Баҳс-мунозараларда қимматли таклифлар ўртага ташланаяпти. 4-бригада шийпонида ўтказилган йиғилишда мен ҳам ўзимни тўлқинлантираётган муаммоларни ўртага ташладим. Кўпгина коммунистларнинг Марказий Комитет ҳаракат дастури лойиҳасига партиянинг бирлиги тўғрисидаги қоидани муқим ёзиб қўйиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайман. Партия сафларининг ғоявий ва ташкилий мустаҳкамлиги, КПССнинг жамоат ташкилотлари, меҳнаткашларнинг, ёшларнинг ҳаракатлари, тузилмалари билан алоқасини кучайтириш жуда муҳим. Буларнинг ҳаммаси демократик асосда бўлиши керак. Ғайрисоциалистик, миллатчилик ташкилотларида қатнашувчи киши КПСС сафида қолиши мумкин эмас. Агар ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, қайта қуриш йўлини қўллаб-қувватласа албатта муваффақиятга эришилади. Баъзи коллективларда планлар бажарилмаётганлиги, ички имконият ишга солинмаётганлигининг сабаби ваъзхонликка, танқидбозликка берилиб кетилганлигидир.

Сўнгги тўрт йил колхозимиз учун юксалиш даври бўлди. Барча тармоқ бирдек ривожланди. Коммунистлар ишнинг жиловини қўлларига олдилар. Барча садоқатини амалий ишда кўрсатди. Лоқайдлар, бузғунчиларга нисбатан муросасиз курашдик. 8-бригада бошлиғи, коммунист К. Худойберганов фаолиятига маслакдошлари муносиб баҳо бердилар. Унинг ўрнига моҳир ташкилотчи Ш. Маҳмудов саркор этиб тайинланди. КПСС аъзоларининг таклифи билан ташландиқ ётган массивлар ўзлаштирилиб, янги бригадаларга бўлиб берилди. Ҳашар йўли билан паррандачилик фабрикасидан, хонадонлардан маҳаллий ўғит ташиб келтирилди. Биринчи йилиёқ пахта билан бирга сабзавот, маккажўхори ва бошқа экинлар экилди. Цех партия ташкилотлари ҳар бир тадбирни омма ғайратини ошириш, хайрли ташаббусларни кенг оммалаштириш, пудратни жорий этишга қаратдилар. Тарғиботчилар, колхознинг «Шодлик» ансамбли иштирокчилари ишнинг муваффақиятини идеологик жиҳатдан таъминладилар. Натижа ёмон бўлмади. Ўтган йили давлатга 3670 тонна оқ олтин топширилди. Ҳосилдорлик белгиланганидан 4 центнер ошди. Сабзавот, полиз, мева, узум, гўшт, сут, пилла ва бошқа неъматлар етиштириш юзасидан белгиланган марралар эгалланди.

Демак ҳамжиҳатликда, тадбиркорликда, ташаббускорликда гап кўп. Баъзилар Марказий Комитет ҳаракат дастури лойиҳасидаги бунёдкорлик режалари рўёбга чиқадими, ёки орзу бўлиб қоладими, деб сўраб қолишади. Жавоби тайин: қайта қуриш тақдири ҳар биримизнинг кундалик амалий фаолиятимизга, садоқатимизга, ташкилотчилигимизга боғлиқ. Майда гап-сўзларга барҳам бериб, меҳр-оқибатни кучайтирайлик.

8-бригада шийпонидаги суҳбатда механизатор айтган фикр кўпчиликка маъқул бўлди. У КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль пленумида илгари сурилган фикрларни давом эттириб шундай деди:

— Бошланғич ташкилот — партиянинг негизи, у съездлар ва Марказий Комитет пленумлари қарорларини амалга оширишнинг бевосита ташкилотчиси деймиз. Лекин эълон қилинган расмий маълумотлардан кўриниб турибдики, Марказий Комитет таркибида фақат битта партком секретари бор. Марказий Комитет қуйи партия бўғинларининг ҳаёти ва ташвишидан ажралиб қолганлигининг сабабларидан бири балки шудир. Съездолди бўлажак мунозараларда бу каби камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклифлар албатта инобатга олиниши керак.

## ТАНҚИДБОЗЛИК НОН БЕРМАС

**Зулфия ГУЛЛИЕВА,**
**Карл Маркс номли колхоз сигирсоғари**

●

Бир нарса кўнгилни хижил қилади: ҳамкасбларим соҳибкорлар билан энг долзарб масалалар хусусида фикрлашсам кимлардир қўл силтайди. Бундайларни ишонтириш, мақсад сари сафарбар этиш мушкул. Кишилар тушкун кайфиятга берилаётганликларининг сабабларини аниқлашга ҳаракат қиламан. Яқинда бўлиб ўтган партия йиғилишида тўғри таъкидланди, одамлар ишончи кўп маротаба оқланмади. Партия ва давлатимиз ҳаётни ўзгартириш учун қатъий ҳаракат қилмоғи лозим.

Ўн саккиз йилдан буён чорвадорлик касбини ардоқлаб келаяпман. Ҳаётингдан хурсандмисан, деган саволга жавоб беришга қийналаман. Газеталарда, радио ва телевидениеда пахтакор меҳнатининг оғирлиги ҳақида кўп гапиришади. Фақат қишли-қировли кунлардагина чорвадорни эслаб қолишади. Ҳар куни юлдузлар сўнмасдан фермага бориш, йигирма-йигирма беш сигир соғиш ва бошқа жараёнлар тинкани қуритади. Ойлик маошимиз ўрта ҳисобда 100—150 сўмни ташкил этади. Ажабланманг, колхоз бир центнер сут соғиб олганимиз учун 2 сўм 70 тийин иш ҳақи тўлайди.

Қишлоқда ҳаёт оғир. Ўн йиллар мобайнида медицина, маданий-маиший соҳада ўзгаришлар сезилмаяпти. Аёлларнинг камқонлик касалига чалиниши, болалар ўлими камаймаётир. Қишлоқда яшаймиз-у сабзавотга зормиз. Ерлар ўта шўрланган, чекка участкаларда ичимлик сув муаммо. Уч колхозга битта автобус қатнайди. Ёғин-сочинли кунларда бекатда соатлаб сарғайиб турамиз. Шунда ҳам ҳеч ким нолиётгани йўқ. Сабр-қаноат билан эртанги кунга кўз тикмоқдамиз.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасида хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга доир катта тадбирларни амалга ошириш, жумладан уларга қисқартирилган иш куни, ўзларига қулай график асосида ишлаш ҳуқуқини бериш, ҳомиладорлик отпускаси даврини ва болага қараш учун бериладиган отпускани, кўп болали ҳамда ёлғиз оналарга корхоналар ҳисобидан ҳақ тўланадиган отпуска даврини кўпайтириш каби имтиёзлар ўрин олган. Фермамиз ходимлари бунга эришишнинг бирдан-бир йўли фидойи меҳнат эканлигини яхши тушинишаяпти. Назира Ҳасанова, Муҳаббат Машарипова, Қувоной Собирова, Розия Каримова каби зарбдорлар мусобақага қизғин тус беришаяпти. Улар қарамоғларидаги ҳар сигирдан кунига 10—12 килограммдан сут соғиб олишаяпти. Мақсад ана шу кўрсаткични йилига 3.300 килограммга етказиш.

Ўтган йили давлатга гўшт, сут топшириш плани ортиғи билан бажарилди. Ўзим ҳам ички имкониятдан унумли фойдаланаяпман. Олти нафар шогирд тайёрладим. 1989 йилда ҳар сигирдан 3.150 килограммдан сут соғиб олдим. Январь ва февраль ойларида ҳам сифат ва самарадорлик таъминланди.

Биз — чорвадорлар амалий иш, қайта қуришнинг аниқ юмушлари билан шуғулланишни, унинг натижалари ҳар бир оилада тезроқ сезилишига эришишни жуда-жуда хоҳлаймиз. Кўпчилик ишончи комил. Чунки партия ўзини ўзи қайта қурмоқда, ўзига янги куч бахш этмоқда, съездига демократия ва бунёдкорлик дастури билан бормоқда. Халқ мамлакатни идора қилувчи партияга ўтмиш учунгина эмас, иқтисодиётдаги ва молиявий соҳадаги танглик ҳолатлари, ошкора тус олган меҳнатсиз даромадлар, деярли жазосиз қолаётган жиноятчилик, аксарият ерларда интизом пасайиб кетганлиги учун қатъий ҳисоб бериш талабини қўймоқда.

## ҚУЙИ БЎҒИН НУФУЗИ

**Жуманазар ОТАЖОНОВ,**
**Наримонов номли колхоз партия комитетининг секретари**

●

Партия ўзини тубдан қайта қурмасдан пешқадамликни сақлаб qололмайди, ўзи бошлаган ишни мана шу кескин бурилиш даврида давом эттиролмайди. Эски услуб оқибатида партия ички турмушида бошланғич ташкилотлар билан раҳбар органлар ўртасидаги муносабатлар бузилди. Юзага келган вазият, вазифалар кўламининг кенглиги партиянинг жамиятдаги мавқеини ўзгартириш зарурлиги ҳақидаги масалани жиддий қилиб қўйди. КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастури лойиҳасида бу ҳақда очиқ-ойдин гапирилганлиги жуда муҳим. Қайта қуришнинг боришидан кўпчилик қаноат ҳосил қилмаяпти. Бунинг сабаб ва муаммолари қуйидагилар. Бошланғич ташкилотлар нуфузини ошириш, улар билан алоқани мустаҳкамлаш оғиздагина амалга оширилаяпти. Яқинда райком аппарати ходимларининг ойлик маошлари оширилди. Партком секретарлари эса яна четлаб ўтилди. Область, район раҳбарлари кўпинча долзарб масалаларни хўжалик раҳбарлари билан ҳал қиладилар. Одамлар яхши-ёмон кунларда правление раиси ёки совхоз директорига мурожаат этадилар. Негаки, партия ташкилоти ҳисобида маблағ йўқ. Баъзида бутун умрини партия, халқ ишига бағишлаган табаррук инсонни сўнгги йўлга кузатиш тадбирларини белгилашда кимларнингдир олдида сарғайишга тўғри келади. Буларнинг ҳаммаси пировард натижада партиянинг обрўсини туширмоқда. Шу боисдан аъзолик бадалларининг маълум фоизи бошлангич ташкилотлар ҳисобида қолишини шарт қилиб қўйиш керак.

Пудрат шарофати туфайли иқтисодий манфаатдорлик таъминланаяпти. Масалан, бир механизатор йилига 6—7 минг сўм даромад қилмоқда. Аъзолик бадаллари олинаётганда умумий даромад унинг оиласи жон бошига бўлиниши керак. Баъзи ерларда муҳим ишда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги одамлар ўртасида норозиликни кучайтирмоқда,

Ҳар қандай режани амалга ошириш учун аввало мустаҳкам интизом, уюшқоқлик зарур. Бузғунчи кучлар ҳаддан ошишди. Улар жамиятга тартибсизлик ва хонавайронлик хавфини солмоқдалар. СССР Олий Совети сессиясида депутатлар партия мураккаб шароитда лозим даражада қатъият кўрсатмаётганлигини ҳақли равишда танқид қилмоқдалар. Партия билетидан воз кечаётган, муқаддас ҳужжатни ёқишга журъат этаётган кишилар ҳақида ўйласам ўзимни қўярга жой тополмай қоламан. Қайта қуриш тақдири ҳал бўлаётган энг қийин дамда бундай хатти-ҳаракат сотқинлик билан баб-баробардир.

Колхоз партия комитети атрофига 180 КПСС аъзоси уюшган. Аксарияти шу кун масъулиятини чуқур ҳис қилишаяпти. Тадбиркорлик, ташаббускорлик, КПСС аъзоларининг раҳнамолиги туфайли ўтган йили ҳар гектар ердан пландагидан кўп — 29 центнердан оқ олтин йиғиштириб олдик. Давлатга 4.393 тонна сифатли хом ашё сотилди. Ана шу давр ичида 1988 йилга нисбатан истеъмолчиларга 110 тонна кўп гўшт етказиб берилди. Мева, сабзавот, узум ва бошқа неъматлар етиштиришда ҳам қувончли натижаларга эришдик. Хўжалик биринчи маротаба 5 миллион сўм атрофида даромад қилди.

**Давра суҳбатини ёзиб олувчи: М. ҚАЮМОВ, «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

## *АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ*

### БИРЛАШИШДАН МАҚСАД НИМА?

**Ильичевскда Андижон область матлубот жамиятининг янги бўлинмаси ташкил қилинди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланадиган бу бирлашма хўжалик ҳисоби усулида ишловчи мустақил ташкилотдир. Унинг таркибига тайёрлов идораси, бўрдоқичилик базаси, боғлар, пахта титиш цехи, магазинлар кирди.**

**Ҳозир бу ерда шахсий томорқа эгалари билан улардан сабзавот ва мевалар, узум, асал сотиб олиш тўғрисида шартномалар тузишга киришилди. Чет эллик шерикларни излаш ҳам давом этмоқда. Ҳозирча пахта титиш цехининг маҳсулоти юборилаётган Венгриядагина бирлашманинг ана шундай мижозлари бор. Лекин бошқа мамлакатлардагилар ҳам область кооператорлари билан ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамкорлик қилишга тайёр.**

**Лекин ҳар қалай бирлашманинг асосий мақсади —ўз юртдошларини моллар билан таъминлашдан иборатдир. Шу йилнинг ўзидаёқ бу ерда консерва ва тикувчилик цехи, кейинроқ эса колбаса тайёрлаш цехи ишга туширилиши керак. Шундай қилинса шаҳар ва яқин атрофдаги қишлоқларнинг кўпгина аҳолиси ҳам иш жойига эга бўлади. Бу ерда 300 га яқин одамни иш билан таъминлаш режалаштирилаяпти.**

### ПАХТА ЎРНИГА МАРЖУМАК

**Карл Маркс номли совхозда пахта майдонларининг бир қисмига маржумак экила бошланди. Бу ерлик механизаторлар 200 гектар майдонга ана шу экинни экдилар. Бундан буён совхоз маржумакнинг энг сара уруғлигини етиштиришга ихтисослашади. Бу ернинг шароитида ундан йилига икки марта ҳосил олиш мумкин.**

**Қашқадарёнинг Шаҳрисабз районидаги чоғроқ участкаларда маржумак илгари ҳам етиштирилган эди. Энди у областнинг жанубий районларида ҳам экила бошланади. Келажакда бу экин етиштириладиган майдонлар янада кенгаяди.**

(ЎзТАГ).

